

Навоий вилояти автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси билан Томди туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси ўртасида умумий фойдаланишда бўлган халқаро ахамиятдаги автомобиль йулларини қишки сақлаш ишлари бўйича 2022 йилга тузилган

### Ш А Р Т Н О М А. № Х.Том-58/22

Навоий шахри

« 29 » январь 2022 йил

Кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган Навоий вилояти автомобил йўллари ҳудудий бош бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи бошлиғи **Э.Камолов** бир томондан, матнда кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Йул хизмати курсатувчи» Томди туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси номидан корхона Низоми асосида иш кўрувчи **И.Норов** иккинчи томондан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2776-сонли қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари кўмитаси томонидан аниқ манзилли йул ишлари руйхатида тасдиқланган Томди тумани умумфойдаланувдаги автомобиль йулларини асраш, таъмирлаш бўйича ушбу пудрат шартномасини туздилар.

#### 1. Т А Р И Ф Л А Р .

1. Мазкур шартномада куйидаги тарифлар кулланилади:

Ижро ҳужжатлари – жойида бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларни ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда йул қурилиши, таъмирлашга ишчи чизмалар ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитилиб кетадиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари, йуллардан фойдаланиш бўйича курик журналлари, йул ва куприклар паспортлари, ҳаракат жадаллиги кайдномаси ва бошқа йулларга оид ҳужжатлар.

Йул қурилиш минтақаси – мазкур шартнома доирасида барча йул ишларини бажариш даврида ва ушбу йулдан фойдаланиш жараёнида пудратчи томонидан фойдаланиш ҳуқуқига эга булган ер майдони, минтақаси.

Вактинчалик иншоотлар – пудратчи томонидан қурилиш ёки таъмирлаш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

Беркитиладиган ишлар – сифат ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан сунг аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар.

## 2. ШАРТНОМА МАКСАДИ.

1. Буюртмачи Навоий вилояти автомобил йўллари худудий бош бошқармаси Томди туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси тасарруфига берилган 92 км халқаро аҳамиятдаги умумфойдаланувдаги автомобиль йулларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 1-ноябрдаги 226-сонли қарорига (31.12.2011 йил ўзгартириш киритилган 352-сон) асосан қишки сақлаш ишларининг мақсади:

автомобиль йўллари ва йўл иншоотлари элементларини соз ҳолатда сақлаш, шунингдек автомобиль йўлининг бутун узунлигида қиш даври мобайнида бажариладиган автомобиль йўллари ва йўл иншоотларининг иш режимлари бўйича комплекс ишлар, автомобиль йўлларини қиш даврида қор қатламлари, уюмлари ва кўчкиларидан ҳимоя қилиш, қордан тозалаш, қишки сирпанчик пайдо бўлишининг олдини олиш ва уларни бартараф этиш ҳамда музгарчиликка қарши курашиш бўйича ишлар ва тадбирларни бажаришдан иборат.

Ундаги барча иншоотлар, йул жихозлари ва унинг барча мол-мулки Ўзбекистон Республикаси «Автомобиль йуллари тугрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига асосан корхонага қарашли автомобил йўллари қайси корхона, муассаса ва ташкилот балансида турса, ана шу йўлларнинг сақланишини таъминласа, шу корхона, муассаса ва ташкилот ихтиёрида бўлади

## 3. ШАРТНОМА БУЙИЧА ИШЛАР КИЙМАТИ.

3.1. Шартнома баҳоси Томди туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонасининг 2022 йилда тасдиқланган йул ишлари чекланган харажатлар сметаси асосида **135 000 000 (бир юз ўттиз беш миллион)** сўмни ташкил этади.

3.2. Шартнома баҳоси автомобиль йулларини сақлаш, таъмирлаш ва бутун йул мулкини асраш харажатларини уз ичига олади.

3.3. Шартномада белгиланган ишларни бажаришда шартнома баҳоси узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- курилиш кийматини қупайтиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томондан ўзгартирилганда;

- курилиш-таъмирлаш ишлари бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда;

3.4. Курилиш ва таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ булганда, иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

## 4. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Мазкур шартнома бўйича ушбу шартноманинг 2-булимида қузда тутилган ишларни бажариш учун;

- автомобиль йулларини асраш, таъмирлаш тизимидаги йул хизматининг Ўзбекистон Республикаси Автомобил йўллари давлат қўмитаси олдидаги мажбуриятлари тугрисидаги 5-иловадаги курсатмаларга қаттиқ риоя қилиш;



- барча йул ишларини мазкур шартномада ҳамда унга иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажм ва муддатларда узининг кучлари ва ёки жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига топшириш;

-курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

-йул курилиш минтакаси ва майдонида вақтинчалик иншоотлар куриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тугрисида хабардор килиш;

Курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларини бажариш вақтида атроф мухитни, утказилган дарахтларни ва йул минтакасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари урнатиш;

Курилиш майдони курикланишини таъминлаш;

4.2 Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр холда топширилиши учун Буюртмачи олдида тулик мулкий жавоб беради;

## 5. БУЮРТМАЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ:

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, уч кун муддатда мазкур шартномага – иловага мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига беради.

Ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура - курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан йулларни асраш, таъмирлаш ва куриш буйича ва бошка кабул килинган мажбуриятлар функцияларига риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ун кун муддатда куриб чиқиш ва карор кабул килиш;

ушбу шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади.

## 6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ.

6.1. Пудратчи мазкур шартномага илова килинадиган молиялаштириш жадвалига мувофик биринчи аванс тулови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва баённомага асосан кучга эга бўлади.

## 7. ТУЛОВЛАР ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР.

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича молиялаштириш ва ишларни бажариш жадвали асосида ҳар ойда бажарилиши лозим этиб белгиланган ишлар кийматининг 40% ни аванс тариқасида утказилади.

7.2. Жорий молиялаштириш аванс тўлови амалга оширилгандан сўнг, кейинги тўлов бажарилган ишлар далолатномасига асосан ҳисоб-китоб қилинади.

## 8. ИШЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИ.

8.1 Буюртмачи қурилиш майдонида уз вақилини техник аудиторини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг УЎ-булимида қурсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.6. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.7. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма руҳсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга қиришади.

8.8. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг қурсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз ҳисобидан очишга сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.9. Агар Буюртмачи Пудратчи ёки унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучи билан ва таъминлаш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун қелишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

8.10. Пудратчи қурилиш ёки таъмирлаш майдонини ва унга туташ йул, қуча тасмасини, шу жумладан йул участкалари ва йулақларни озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш қикиндиларини Буюртмачи томонидан қурсатилган жойга қикариб ташлайди.

8.11. Ишлар бошланган пайтдан улар тугаллангунгача Пудратчи йулларни асраш учун қурик дафтари, таъмирлашда ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг



узуро муносабатларида ахамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан коникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

#### 9. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ.

##### 9.1. Буюртмачи:

Шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларни сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

##### 9.2. Пудратчи:

Ишларни бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортик муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганида;

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартномани бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга;

9.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугаллармаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

9.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

9.5. Ёзма билдиришнома юборилган кундан бошлаб 15 кун муддатда иккинчи томон билан келиша олмаса тегишли Иктисодий судларга мурожаат қилиш йўли билан шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

9.6. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

9.7. Шартнома бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада қутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### 10. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР.

10.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 сентябрдаги “Шартномавий муносабатларни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6313 сонли Фармонида мувофиқ, Пудратчи томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилиши шарт.

10.2. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан бу билан чекланиб қолмасдан барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларини ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди

#### 11. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ.

11.1. Томолардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

11.2. Мазкур шартномага кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,3 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматини 30 фоиздан ошмаслиги лозим.

Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

11.3. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмаганлиги учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,3 миқдорида пеня тўлайди, бунда умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоиздан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчи ишларни бажаришнинг ёки хизмат кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилинмайди.

11.4. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмағалиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатлар, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада фодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарни қоплайди.

11.5. Муддати ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларни бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## 12. КАФОЛАТ.

### 12.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартлари белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификатларига, ҳамда техник шартлар мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатлари даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

12.2. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

### 13. ЕНГИБ БУЛМАЙДИГАН КУЧ (форс-мажор) ХОЛАТЛАРИ.

13.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тулиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасидан келиб чиқса ва бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига



бевоСИта таъсир этса, томонлар бундан кИсман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

12.2. Агар енгиб булмайдиган куч холатлари ёки унинг окибатлари бир ойдан куп ваКтга чузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация килиш учун кандай чоралар курилишини мухокама кИладилар.

12.3. Шартнома амал килиш муддати 31-декабрь 2022 йилгача хисобланади.

12.4 Шартнома Газначилик бошкармасидан руйхатдан утгандан кейин конуний кучга эга булади.

#### ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ.

##### «БУЮРТМАЧИ»

Навоий вилояти автомобил йўллари худудий бош бошкармаси

Юридик манзилгоҳ: Навоий шаҳри,

Гулистон кургони

ТЕЛ: 220-63-67

ФАКС:220-63-66

Х/р 304510860124017045171118001

Банк номи: Республика Марказий банки Х/Р 23402000300100001010

Банк коди(МФО) 00014

ИНН 200850780

ХХТУТ 97400

КТУТ 15012865

Газначилик бўлими: Навоий вилояти бўйича Газначилик Бошкармаси

Рахбар  Э.Камолов

М.Ў.

##### «ПУДРАТЧИ»

Томди туман йуллардан фойдаланиш унитар корхонаси

Юридик манзилгоҳ Томди тумани

Айтекеби кучаси 1-уй

ТЕЛ: 58-22-337

ФАКС:58-22-337

Х/Р: 22626000004297260004

Банк номи: Ўзмиллийбанк Зарафшон филиали

Банк коди(МФО) 00204

ИНН 204771315

ХХТУТ 61129

КТУТ 15016917

Рахбар  И.Норов

М.Ў.

Юридиконсулт:  Н.Камолов

М.Ў.

